

МАФКУРА ЭВОЛЮЦИЯСИ — муайян мақсад ва манфаатларни ифода этувчи ғоявий-назарий қарашлар тизимнинг вужудга келиши, ривожланиши ва интиҳога етиши жараёнини ифодаловчи тушунча. Ҳар қандай мафкура жамиятда янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучларнинг талаб-эҳтиёжлари ва мақсад-муддаоларини ифода этувчи янги ғоявий тизим сифатида вужудга келади. Мазкур миллат ёки ҳаракатнинг етакчи кучлари, сиёсий арбоблари, идеологлари ижтимоий онгдаги орзу-интилиш ва руҳиятдаги ҳис-туйғуларни бир тизимга соладиган таълимот ва дастурлар яратадилар. Ғоявий тарбия воситалари ва фаоллари орқали бу ғоялар онга ва руҳиятга сингдирилади. Бу ғоялар кўпчилик онгини эгаллагач, уларни ҳаракатга келтириб, мақсад сари етаклайдиган кучга айланади. Мафкура, вақти келиб, ўз соҳиблари тарих майдонидан тушсалар ҳам, *мафкуравий мерос* сифатида янги даврда ҳам ўз таъсирини сақлаб қолиши мумкин. Бу нафақат эзгуликка хизмат қиладиган, балки ўз моҳиятига кўра ғайриинсоний бўлган мафкура шаклларига ҳам тегишлидир.

Тарихий тараққиёт: ғоявий ва мафкуравий жараёнлар

Инсоният тарихида ғоя ва мафкуралар ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Улар инсоннинг ўзи каби азалийдир. Кўп минг йиллик ҳаёти давомида одамзод хилма-хил ғояларни вужудга келтирган. Улар инсоннинг оғир жисмоний меҳнатини бир неча баробар енгиллаштирувчи иш қуроллари, ускуналар, иншоотлар яратишга илҳомлантирган. Бунёдкор ғоялар билан қуролланган кишилар фаровон ҳаёт, эркин жамият куриш учун кураш олиб борганлиги тарихдан маълум. Бундай жараён ижобий ғояларнинг туғилишига, улар эса ўз навбатида элатлар, халқлар, миллатлар манфаатларини ифодаловчи ҳаёт тарзининг шаклланиши учун асос бўлган. Шунингдек, миллий давлатларнинг юзага келишида бу ғоялар етакчи ва йўналтирувчи аҳамият касб этган. Буни биз ўзбек давлатчилиги ғояларининг шаклланиши ва такомили мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Мамлакатимизда қадимги Хоразм, Суғдиёна, Бақтрия, Кушон ҳамда кейинчалик теңурийлар давлатига асос солинишида бу ғоялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Аксинча, умуммиллий манфаатлар ўрнига тор ва чекланган, шахсий сулолавий манфаатларнинг устун қўйилиши, ўзбек халқининг таназзулига, мустақилликни қўлдан бериб, халқимиз бошига мустамлакачилик азоби солинишига олиб келди.

Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир.

Умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган ғояларнинг ривожланиб бориши инсонда жуда катта умид-орзулар туғдиради. Чунки умуминсоният манфаатлари учун хизмат қилувчи бундай ғояларнинг рўёбга чиқиши жаҳон миқёсида тинчлик ва тараққиёт, инсон эркинлиги, миллий ва диний тотувликнинг тантана қилишига, охир-оқибатда инсоннинг бахт-саодатга эришувига олиб келади. Бу эса инсониятнинг асрий орзусидир.

Лекин, минг афсуски, тарихда доимо ҳам шундай бўлавермаган.

Ўрта асрдаги салиб юришлари, диний фанатизм, фашизм ва большевизм асос бўлган ғайриинсоний бузғунчи ғоялар халқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтирган. Ана шундай бузғунчилик мафкураси ҳозирги кунда ҳам инсониятнинг тинчлиги, осойишталигига раҳна солиб, одамлар бошига турли балолар ёғдирмоқда. Афғонистонда йигирма йилдан ортиқ давом этаётган биродаркушлик уруши, Югославияда мустаҳкам тинчлик ўрнатишга ҳалигача эришилмаётгани ана шундай ғайриинсоний ғоялар таъсири натижасидир.

Йигирманчи аср охирида жаҳон ижтимоий-сиёсий тараққиётида юз берган туб ўзгаришлар икки қутбли дунёнинг барҳам топиши, нисбий мувозанатни бузиб, жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди.

Коммунистик мафкура ғояларидан халос бўлган, ўз мустақиллигини қўлга киритган халқлар ўз миллий давлатларини тикладилар.

Энди ўсиб келаётган миллий ғояларга қарши улуғ давлатчилик шовинизми, тажовузор миллатчилик, неофашизм, ирқчилик мафкуралари бетиним ҳужум қилмоқда. Аслида, бу мафкураларнинг баъзилари бир вақтлар халқларни алдаб-авраб, уларга жаннат ваъда қилиб, ҳокимиятга эришгач, дунёни дўзахга айлантириб, жаҳон урушини ёққани инсоният хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди.

Аммо етарли билим, малака, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, ўз тарихи, аждодларининг кимлигидан беҳабар, соддадил, ишонувчан ёшлар уларнинг тузоғига илиниши мумкин. Бунинг олдини олиш учун уларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш лозим.

Ана шу вазифаларни самарали бажариш учун ғоя ва мафкуралар тарихини яхши билиш зарур. Бу эса жаҳонда мавжуд бўлган ёки туғилаётган ғоя ва мафкураларнинг мазмун-моҳиятини англаш, уларнинг мақсад-муддаоларини тўғри идрок этиш учун ёрдам беради.

Ижтимоий тараққиёт ғоя ва мафкуралар тарихидир. Мафкура ва ғоялар тарихий тараққиётда етакчи мавқелардан бирини эгаллайди. Инсониятнинг кўп минг йиллик ўтмиши бунинг яққол тасдиқлайди. Ер юзида дастлабки одамзод пайдо бўлиб, унинг уруғ, жамоа ёки халқ сифатида шаклланиши рўй берган дастлабки даврлардаёқ уларни бирлаштириб турадиган умумий ғоя ва мафкурага эҳтиёж туғилди. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Чунки, мафкура — жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради»¹. Бу ҳолат ва зарурият турли мисоллар орқали исботланиши лозим.

Жамият тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, илк моддий ва маънавий маданият масканларининг кўпчилиги дастлаб Шарқда шаклланган ва бу инсониятнинг кейинги тараққиёти учун замин бўлиб хизмат қилган. Хусусан, қадимги Миср, Вавилон, Турон, Эрон, Ҳиндистон ва Хитойда вужудга келган цивилизациялар тарихда муҳим ўрин тутди. Қадимги Шарқ замини

¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 490-бет.

халқлари дунёда биринчилардан бўлиб ерга ишлов бердилар, табиатдан танлаб олиш йўли билан маданий ўсимликларнинг кўплаб навларини етиштирдилар. Улар мураккаб суғориш иншоотлари ва мосламаларини яратдилар, тарихга маълум бўлган биринчи сув тегирмонлари ва обжувозларни қурдилар, дастлабки уй ҳайвонларини қўлга ўргатдилар, ипак қурти боқиб, ундан табиий ипак олишни кашф этдилар. Ниҳоятда мураккаб меъморчилик санъатига асос солдилар, табиат кучлари қаршисида қанчалик сабр-тоқатли, иродали, ўткир фикрли, жисмонан бақувват ва руҳан енгилмас бўлишни жаҳонга намоён этдилар. Шу аснода хилма-хил ғояларни яратдилар, уларни амалга оширдилар. Бу мисоллар холисона, «Осиёмарказчилик» ғояларидан холи бўлган ҳолда, умуминсоний нуқтаи назардан тушунтирилиши лозим.

Мафкуравий жараёнлар тарихий ва ижтимоий шарт-шароит билан узвий алоқадор бўлиб, даврлар алмашуви билан янгилик томон ўзгаради. Буни қадимдан Турон ва Туркистон минтақаси деб номланган, бугунги кунда унинг маркази ҳисобланган ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида юз берган жараёнлар билан исботлашга ҳаракат қилиш мумкин.

Маълумки, миллий ғоя ва мафкуранинг тарихий шакллари ва кўринишлари халқимизнинг кўп минг йиллик ўтмиши даврида ривожланиб келди. Қадимги Хоразм, Суғдиёна ва Бактрияда илк бор шаклланган, аждодларимиз томонидан бундан 2700 йил олдин яратилган дастлабки ёзма манба — «Авесто» китобида ҳам эзгулик ғоялари илгари сурилган. Яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги азалий кураш акс эттирилган. Зардуштийликнинг эзгулик ва инсонпарварлик ҳақидаги қарашлари минтақамизга ислом дини кириб келгунга қадар мавжуд бўлган асосий ғоялар эди. Шунингдек, туркий халқлар ўртасидаги Кўк тангрисига (осмон ва куёшга) сиғиниш (шаманизм) ва буддизм (буддавийлик) ҳам диний эътиқод сифатида зардуштийлик билан ёнма-ён яшаб келди.

Зардуштийлик минтақада илк бор шаклланган дастлабки давлат бирлашмалари: Хоразм, Суғдиёна ва Бактрияда давлат дини даражасига кўтарилди ва расмий мафкура вазифасини ҳам бажарди. Кушон давлати даврига келиб зардуштийлик билан бир қаторда, буддавийлик ҳам давлат дини вазифасини ўтай бошлади.

Аммо, Туроннинг вақти-вақти билан босқинчилар ҳужумига учраб туриши жамиятдаги барқарорликни издан чиқарар эди. Милoddан аввалги VI—IV асрларда аҳмоний шоҳлари, 329—327 йилларда Александр Македонскийнинг босқинчилик юришлари минтақада мавжуд бўлган мустақил давлатчиликка маълум муддатга чек қўйилишига сабаб бўлди. Халқимиз ўз мустақиллигини қайта тиклаш учун душманга қарши йиллар давомида кураш олиб борди. Мустақиллик ғоялари, ўз миллий давлатчилигини тиклаш учун кураш халқимизнинг ўша пайтдаги орзу-умидлари, таъбир жоиз бўлса, унинг ғоя ва мафкурасини ташкил қилади. Уларга асосланган халқимиз Кушон подшолиги ва Буюк Турк ҳоқонлиги каби улкан салтанатларга асос солдилар.

Бироқ, тарихий жараён ўзгариши билан минтақада мустақил давлатчиликка яна вақтинча чек қўйишга тўғри келди. VII асрнинг охири —

VIII асрнинг бошларида араб босқинчилари Туронни босиб олдилар. Бунда истило ва истибдодга қарши кураш ғоялари ягона мақсад йўлида, масалан, Турон заминни араб истилочиларидан озод қилиш учун жангларда бирлаштирувчи ғоя бўлди. Муканна кўзғолони ва унинг озодлик учун кураш ғоялари истиқлолчиларга қарши курашда мафкура вазифасини бажарди.

Мовароуннаҳрда (ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида) ислом динининг тарқалиши хал—XII асрларда сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжукийлар, хоразмшоҳлар сулолалари томонидан минтақада асос солинган давлатлар нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон халқлари тарихида ҳам чуқур из қолдирди. Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби алломаларнинг ўлмас асарлари жаҳон фанини бойитди. Мутасаввуфлар: Хожа Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро; муҳаддислар: Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг таълимотида акс этган комил инсон ғоялари, адолат ҳақидаги қарашлар жамиятнинг соғлом маънавий-ахлоқий руҳини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бу ғоялар Ватан ва халқ манфаати йўлида фидойилик ва инсонпарварликни улуғлади. Улар миллий-маънавий қадриятлар сифатида халқимиз маданияти, адабиёти ва санъа-тида, жумладан, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолоддин Румий, Мирзо Абдулқодир Бедиллар ижодида чуқур ўрин эгаллади.

Бу ғоялар ўзбек давлатчилигининг ривожланишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Низомул-мулкнинг «Сиёсатнома» китобларида давлат идораси ва аҳли фуқарога муносабатда адолат, инсоф, диёнат, эл-юрт тинчлиги ва ободлиги бош ғоя сифатида илгари сурилди. Бу ғоялар Темурийлар давлати ғоявий тамойилларининг устувор йўналиши эди.

XVII—XIX асрларда умуммиллий манфаатлар ўрнига тор ва чекланган, шахсий ва сулолавий манфаатларнинг устун қўйилиши, жамият ҳаётида маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш ва илм-маърифатни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмагани ўзбек давлатчилигининг таназулга юз тутишига, мустақилликнинг қўлдан берилишига, Туркистонда мустамлакачилик тузуми ўрнатилиб, пировардида миллий давлатчиликнинг яна бир бор тугатилишига олиб келди. Шунга қарамасдан, чуқур тарихий илдизларга эга бўлган миллий ғоялар тамомила йўқ бўлиб кетмади. Аксинча, мустамлакачилик шароитида улар миллий давлатчиликни тиклаш, миллат тараққиёти ва истиқболи учун кураш байроғи сифатида яна илгари сурила бошлади.

Бу интилишлар XIX асрда маърифатпарварлик ғоялари билан чиққан Аҳмад Донишнинг илғор қарашларида, XX аср бошида юзага келган жаҳидчилик ҳаракатининг тараққийпарвар намояндалари — Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний ижоди ва фаолиятида яна ҳам кучайди. Жаҳидлар Туркистондаги халқларни бирлаштириш ва бутун ўлканинг миллий мустақиллиги учун кураш ғоясини илгари сурди.

Туркистонда босқинчи қизил армия ва совет тузумига қарши кўтарилган истиқлолчилик ҳаракатининг мафкурачилари ҳам айнан жаҳидлар бўлди. Бироқ, мустабид совет тузumi бу ғояларга қарши ғайриинсоний мафкурани илгари суриб, халқ манфаатларини инкор этди. Бу утопик, ҳаёлий ғоялар реал ҳаёт талабларига жавоб бермас, халқнинг анъанавий турмуш тарзига, жамият тараққиёти қонунларига мутлақо зид эди. Улар миллий истиқлолни тан олмас, миллий кадриятларни топтар, диний эътиқодга қарши кураш асосига қурилган эди. Лекин, мустабид ҳукумат уларни халққа тан олдириш учун жон-жаҳд билан курашди. Бу сиёсат аёвсиз курашлар, таъқиб, тазйиқ ва зўравонликлардан иборат бўлиб, ўша йиллардаги машъум қатағонлар бу курашнинг фожиали ифодаси эди.

Бу тузум ўлкамизда зўрлик билан ўрнатилгач, халқимиз унинг сиёсати ва мафкурасига қарши кураш олиб борди. Бу кураш шафқатсизлик билан бостирилгач, яширин тарзда давом этди. Ва ниҳоят, 1937 йилдаги оммавий қатағон бу тузум ва унинг мафкурасига, ғояларига қарши чиққан, умуммиллий манфаатларни ҳимоя қилган, ҳар қандай «ўзгача фикрлайдиган» кишини «халқ душмани» деб эълон қилди. Баъзи миллий ғояларни илгари суриб, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилганликлари учун бундайларни йўқ қилиб юборди.

Шундан кейингина, зўравонлик билан ўрнатилган бу ғоялар жамиятнинг яқкаю ягона ва ҳукмрон мафкурасига айланди. Бутун оммавий ахборот воситалари — радио, матбуот, телевидение, маданият, санъат, адабиёт, ижтимоий фанлар шу мафкурани тарғиб қилиш ва сингдиришга хизмат қилди, давлат ташкилотлари унинг ҳукмронлигини куч ва зўрлик билан таъминлаб турди. Лекин бу ғоялар барибир халқ қалбидан чуқур жой ололмади, жамиятнинг ўз мафкурасига айланмади, халқимизнинг миллий ғоя ва асрий кадриятларини йўқ қила олмади. Халқимиз ҳаётида чуқур илдиз отган, унинг азалий орзуси бўлган миллий ғоялар 80-йиллар охирида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан изчил ва жасорат билан яна кун тартибига қўйилди ва Ватанимиз озодлиги ҳамда мустақилликни қўлга киритишда муҳим омил бўлди. Улар мамлакатимизда мислсиз ўзгаришларни амалга ошириш, халқимиз ҳаёти ва тараққиётини белгилаб олишда умуминсоний кадриятлар устуворлигига асосланган озод ва обод Ватан ва фаровон ҳаёт куриш каби олий мақсадларимиз ифодаси бўлиб келмоқда.

Жамият ривож ва бунёдкорлик ғоялари. Бунёдкорлик ғоялари юртни обод, халқ ҳаётини фаровон қилишдек олижаноб мақсадлар билан ажралиб туради. Улар инсоният цивилизацияга эришган даврлардан буён жамият ҳаётининг энг эзгу ғоялари сифатида яшаб келмоқда. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбек том маънода бунёдкордир», деган сўзларида ҳам ана шу боқий ғояларнинг маъно-мазмунини ўз ифодасини топган. Бундай бунёдкорлик халқимизга ота-боболаридан меросдир.

Инсоният тарихида одамлар онги ва шуурига адолат, ҳақиқат, эзгулик, меҳнатсеварлик каби юксак ғоялар уруғини сепган зот, пайғамбар Зардушт яратган «Авесто» китобида қуйидаги сатрлар мавжуд: «Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу ишлар билан эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу ишни алқайман. Ўзимни бори

эзгу фикрга, эзгу сўзлар (айтиш), эзгу ишлар амалига бахшида қиламан, барча ёмон фикрлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман». Бу юксак ғоялар бундан 2700 йил муқаддам яшаб ўтган ватандошимиз Зардуштнинг ўлмас мафкураси эди.

Инсоният доимо яхшилиқни ёқлаб, ёмонликка қарши курашади, яратувчанлик ва бунёдкорлик унга хос бўлган буюк фазилатлардир. Шарқ халқларининг буюк ижодкорлиги, бунёдкорлиги ва қадриятлари турли даврлар таъсирида Ғарбга, хусусан, антик Юнон-Рим маданиятига ҳам кучли таъсир кўрсатди. Ана шундай таъсир остида Юнон-Рим маданияти, илм-фани, фалсафий тафаккур дунёси шу қадар юксалдики, ўша даврда яратилган шоҳ асарлар ва уларнинг муаллифлари мероси хануз башариятнинг эзгу ишларига хизмат қилиб келмоқда. Шу маънода, комил ишонч билан айтиш мумкинки, инсониятнинг ҳақиқий умумбашарий маданияти Ғарб цивилизацияси ва Шарқ маънавиятининг қўшилиши асосида яратилган.

Масалан, А. Македонскийнинг устози, ўзининг бу жаҳонгир шогирди Осиёни маҳв этгач, унга юборилган «Авесто» китобини чуқур ўрганган қадимги юнон файласуфи ва комусий олими Арасту (Аристотель, мил. ав. 384—322 й.) ўз ғоявий қарашларида устози Афлотун (Платон мил. ав. 427—348 й.) ғояларини бойитди ва унга муҳим ўзгартиришлар киритди. У жамиятда бўлиб ўтаётган барча воқеликларни табиатга хос деб билди. Бу билан жамиятни тубдан ўзгартириш ғояларига қарши чиқиб, жамият ривожини табиий жараёнлар тарзида кечиши керак, деб ҳисоблади.

Афлотун эса ғоялар умумий тушунчалар сифатида одам ақлига боғлиқ эмас, балки у илоҳий тушунчалардир, деб изоҳлаган эди. Унинг асосий ғояси — эзгулик ёки ягоналик эди. Бунда олий ғоя кўпинча худога тенглаштирилади. Бу файласуфнинг устози бўлган Сукрот (Сократ, мил. ав. 470—399 й.) эса баҳс орқали, яъни муайян масалаларни ўртага қўйиш ва уларга жавоб топиш йўли билан ҳақиқатни аниқлаш мумкин, деб билган. У эзгулик — билим ва донишмандликдир, яхшилиқ моҳиятини тўғри англаган инсонгина яхшилиқ қилади, деб тушунтиради. Сукрот адолатга хилоф бўлган давлат бошқарувининг ҳамма шакллари танқид қилади, фақатгина адолатли, демократик давлат бошқарувини ёқлаб чиқади.

Шарқда, яъни Турон заминда эса жамият ривожини ва бунёдкорлик ғоялари хусусида Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий қарашлари ўзига хос ўрин тутди. «Ал-муаллим ас-Соний» («Иккинчи муаллим»), Шарқ Аристотели деб ном олган Абу Наср Форобий (873—990 й.) ўзининг «Фозил одамлар шахри», «Фуқаролик сиёсати», «Бахт-саодатга эришув ҳақида» каби асарларида олижаноб жамият, адолатли тузум ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, ўз даври учун изчил таълимот яратди. У ҳар томонлама етук, барча аҳолини бахт-саодатга, илм-маърифатга олиб боровчи идеал жамоа ҳақидаги ғояларни олға сурди.

Ўша даврнинг буюк мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синонинг бу борадаги қарашлари ҳам ўзига хосдир. Улар ҳар бир нарсани кузатиш ва тажриба асосида ўрганишга, кейин хулоса чиқаришга интиланлар, барча бунёдкорлик инсоннинг меҳнатига боғлиқлигини

таъкидлаганлар. Буюк ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий эса ўз асарлари билан жамият тараққиётининг замонасига хос фазилатларини ёритишга ҳаракат қилган. У шеърлари ва дostonларида разолатга, бекарорликка, урушу жанжалларга, маърифатсизликка қарши кураш ғояларини улуғлайди. Инсонларни меҳнатга, яратувчанликка, адолатга чақиради. Маърифатга асосланган жамият яратишни орзу қилади. Унинг бу орзулари «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий» каби дostonларида ўз ифодасини топган. Шоирнинг бевосита ўзи ҳам қатор бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган.

Хитой ва ҳинд мутафаккирларининг жамият ривожига ҳақидаги қарашлари ва бунёдкорлик ғоялари ҳам Осиёнинг «шарқона» маънавиятида ўзига хос ўрин тутди. Жумладан, хитойлик буюк мутафаккир Конфуций (мил. ав. 551—479 й.) ғоялари ҳанузгача Хитой халқи мафкурасида етакчилик қилиб келмоқда. Бу ғоянинг асоси жамиятни ҳар қандай ижтимоий ларзалардан асраб қолиш ва инсонлар манфаатини юқори кўйишга қаратилган. Алломанинг мақсади халқни мавжуд тартиб-қоидаларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш бўлган. Бу ғояга кўра, инсонлар жамиятнинг табиий тараққиётига қарши чиқмаслиги, яъни инқилобий йўлни танламаслиги керак. Конфуций инсоният ҳақида фикр юритар экан, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи орқали эмас, балки одамийлик, адолатпарварлик, ҳақгўйлик, самимият, фарзандлик иззат-ҳурмати каби юксак маънавий фазилатларга эришиш туфайли камолатга етишуви мумкин, деб ҳисоблайди. Бундай «шарқона демократия»нинг тамойилларини ўзида акс эттирган ғоялар бутун-бутун давлатларнинг узок йиллар давомида барқарор яшаб қолишига сабаб бўлгани, Шарқ халқларининг тарихий, ижтимоий, сиёсий тараққиётига ўз ижобий таъсирини кўрсатгани шубҳасиздир.

Ҳинд халқининг буюк фарзанди Маҳатма Ганди (1869—1948 й.) ўз маънавияти, ғоялари ва илғор қарашлари билан XX асрнинг буюк шахсларидан бирига айланган. У мустамлакачиларга қарши курашнинг тимсоли эди. У ҳиндлар билан мусулмонларнинг ўзаро дўстлигини мустаҳкамлашга интилди. Ганди дин билан сиёсатни бир-бирига боғлашга ҳаракат қилди. Унга халқ «Маҳатма» — «Буюк қалб» деб ном бергани ҳам шундан бўлса, ажаб эмас. Р. Тагор фикрига кўра: «Ганди муваффақиятининг сири унинг жўшқин маънавий кучида ва беҳад даражада ўз манфаатларидан воз кечишидадир. У ўзининг олиҳимматлилиги билан ноёбдир. Ганди ҳаётининг ўзи фидойилик тимсолидир».

Кўҳна Турон ўз бошидан кечирган буюк тарихий воқеалар ичида Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва амалий фаолияти катта аҳамиятга эга. У гарчи фотиҳлар қаторидан ўрин олиб, беҳисоб жангу жадалларни бошидан кечирган бўлса-да, асосий мақсади бунёдкорлик ва яратувчилик бўлган. Жумладан, у «Темур тузуклари»да: «Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин», деб кўрсатма беради. Шу ўринда, Юртбошимизнинг Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган, десак,

адолатдан бўлади, деган фикрлари ниҳоятда ўринлидир. Зеро, Соҳибқироннинг Мовароуннаҳр, Хуросон ва бошқа жойларда бунёд этган иншоотлари, унинг ўзи ва темурийлар сулоласи давридаги маданият, фан, адабиёт соҳасидаги ютуқлар бунга мисол бўла олади.

Миллий давлатчилик ғояси ва унинг халқлар тараққиётига ижобий таъсирини мустақил Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик, минтақавий тинчлик, миллат-лараро тотувлик борасида олиб бораётган сиёсати барқарорлик ҳукм суришига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мил.гоя.рах.масъ.